



ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 204 (11.765)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Қарор ва ижро

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Президентимизнинг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури

тўғрисида»ги Қарори бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўламини янада оширди.

5-шаҳар клиник шифохонасида амалга оширилаётган ишлар ҳам самарали кечмоқда. 240дан зиёд ўринга эга бу шифо масканида йилига етти мингга яқин бемор даволаниб, со-

ғлигини тиклайди. Ходимларнинг аксарияти олий тоифага эга бўлиб, улар орасида кўп йиллик тажрибага эга шифокорлар кўпчилигини ташкил этади. М.Матниязова, Э.Ҳайдарова, Д.Нурмухамедов, М.Темиргалиева, А.Маликов, Р.Абдурахмонов, Л.Тожибоевалар беморлар

раҳмати ва олқишига сазовор бўлаётган қўли енгил шифокорлардандир.

Эътиборли томони, шифохона Япония ҳукумати гранти асосида бир қатор замонавий таълим жихозлари билан таъминланган. Физioterapia бўлимида санатор-курорт туридаги даволаш усул-

лари, жумладан электрмагнит, сувли ва бальнеологик муолажалар қўлланилади. Бу ерда махсус мажмуавий дастур асосида парҳез билан даволаш муолажаси ҳам амалга оширилади.

Дилором ИКРОМОВА
Козим Улмасов олган сурат

«Осиё чемпионати-2010»

ТОШКЕНТ — ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ

Пойтахтимиз футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатига мезбонлик қилади.

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, мамлакатимиз футбол федерацияси ҳамкорлигида шу йилнинг 24 октябр – 7 ноябрь кунлари ўтказиладиган мазкур нуфузли мусобақада иштирок этадиган қитъамизнинг ўн олти мамлакати терма жамоалари совринли ўринлар ва келаси йили Мексикада ўсмирлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатининг тўрт йўлланмаси учун ўзаро куч сынашади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, маъна ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилишнинг муҳим омилли сифатида спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 январда қабул қилинган «Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2009 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида футболни ривожлантиришни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари болалар ва ўсмирлар футболни тубдан ислоҳ қилиш, футбол бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослашган мактаб-интернатлари ва футбол академиялари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, халқаро майдонда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир футболчиларни тарбиялаш, мураббий ва ҳакамларни тайёрлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

(Давоми 4-бетда)



Импорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажми ва таркибини тизимли равишда таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, мамлакатимизда рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтириш, ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш

Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг юқори суръатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперация-

ва реконструкция қилинаётир, техник қайта жиҳозланмоқда, ходимлар ўқитилиб, уларнинг ма-лакаси оширилмоқда.

риш механизмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ жорий йилнинг 9 ойи мо-

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг муҳандислик маркази раҳбари Наримон Умаровнинг айтишича, жорий йилнинг 9 ойи якунига кўра, корхона томонидан 559,6 минг тонна пўлат, 543,8 минг тонна тайёр прокат ва қиймати 14,2 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган.

«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси 2010 йил бошидан буён бир неча турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Темир бетон конструкцияларини арматура билан мустаҳкамлаш учун иссиқ ёйилган пўлат, металл конструкцияларда қўлланиладиган тенг бурчакли пўлат, пўлат конструкцияларини пайвандлашда фойдаланиладиган махсус қопламали пайвандлаш электродлари, металл листларни кўчириш учун юк кўтаргич электр магнитлар, қора металл қуймаси ва парчаларини кўта-

чиқариш ўзлаштирилди.

«Ўзметкомбинат»да Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган «2009–2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-прокат цехи «300» дастгоҳининг электр ускуналари ва автоматлашган бошқарув тизимини модернизация қилиш лойиҳасини амалга ошириш якунланди. Бу, ўз навбатида, тизимларнинг ишончли ишлашини таъминлаш, металл ёядиган дастгоҳ унумдорлиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш имконини берди.

(Давоми 2-бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида сўзлаган нутқининг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

• Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Баркамол авлод йилида вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган брифинг ташкил этилди.

• Гулистондаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Робия савдо сервис» хусусий корхонаси банкдан олинган 25,2 миллион сўмлик кредит ҳисобига ўз фаолиятини кенгайтирди. Ушбу маблағ эвазига корхонага хориждан замонавий технологик линия олиб келиб ўрнатилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми деярли икки баробарга ортиб, қўшимча 8 та янги иш ўрни яратилди.

• Навоий шаҳридаги 1-умумтаълим мактабида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда «Биз соғлом турмуш тарafdоримиз, биз билан бўл!» акцияси бошланди.

• Богот туманилик тадбиркор Улуғбек Қўшназаров атир ва ҳўжалик совуни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бунинг учун банкдан олинган 350 миллион сўмлик кредит эвазига хориждан замонавий технология келтириб ўрнатилди. Ҳозирда ўн киши меҳнат қилаётган корхонада ойига 20 тоннагача кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

• Олий ўқув юртлари ўқитувчилари ўртасида ўтказилаётган «Энг фаол маънавий тарғиботчиси» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари 14 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

• Гиждувон туманидаги 22-умумтаълим мактаби ўндан зиёд номдаги ўқув-методик қўлланмалар ва турли зарурий жиҳозлар билан таъминланди. Бу тадбир Халқ таълими вазирлиги ҳамда Жаҳон банкининг «Мактаб таълиминини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

ЖАҲОНДА

• Бутун жаҳон банки Озарбойжон билан ҳамкорликнинг янги стратегиясини эълон қилди.

• Халқаро инсонпарварлик ёрдами Газо секторига етиб келди.

• Кеча жаҳоннинг етакчи хом ашё биржаларида ўтказилган савдолар натижасида Нью-Йорк биржасида WTI нефтининг бир баррели 1,98 долларга пасайиб, 80,56 долларни ташкил этган бўлса, Лондондаги савдолар чоғида эса Brent русумли нефтининг нархи 1,77 долларга пасайиб, 81,83 долларни ташкил этди.

• Хитойнинг жанубий ва шарқий қисмидаги соҳил бўйи ҳудудларидаги аҳоли бошқа жойларга кўчирилди. Зеро, бу ерда Тинч океанининг «Меги» тўфонини таҳдид қилмоқда. Шу боис Фуцзянь музофотида 150 минг нафар инсон беҳавотир жойга кўчирилди, шунингдек, 53,1 мингта балиқ овловчи кемалар портларга қақириб олинган.

• Россия ва Венесуэла ўртасида биринчи атом электр станциясини иншоотини қуриш ҳақида шартнома имзоланди. Бирок, «Росатом» раҳбари Сергей Кириенконинг баёнотида кўра, АЭСни бунёд этиш муддати ҳақида бирор-бир аниқ нарсаси дейиш қийин.

• АҚШ ва Италия олимлари сальмонелла бактерияси саратон хужайраларини йўқ қилишини аниқлашди. Миландаги Европа Онкология институти олими Мария Решиньонинг айтишича, келгусида саратонга қарши иммунитет ҳосил қилувчи вакцина ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Тажрибада сальмонелла бактериясининг сальмонеллез касаллигини кўзғатмайдиган штаммидан фойдаланилади.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbарот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ёшларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Илм юлдузлари» интеллектуал кўрик-танлови ўтказилди.

✓ **АЛИШЕР** Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Она тилим — жону дилим» китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетиде «Ўзбеклик белгиси, эй, она тилим» шиори остида давра сўҳбати уюштирилди.

✓ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида Нигора Муҳамедованин «Оқибат йўқолмасин» китоби таъдими бўлиб ўтди.

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тайёрланган ва келтирилган ускуналар учун пойдевор қурилмаларини қуриш ишлари ниҳоясига етказилди. «Ўзметкомбинат» Швейцариянинг «Nobag Nobs Engineering AG» фирмаси вакиллари билан ҳамкорликда таъмирлаш, ишга тушириш-созлаш ишларини амалга оширди, ходимларни ўқитди ва тажриба-саноат синовларини ўтказди. Бирлашма автомобиль саноати учун дастлабки маҳсулот — мис ва латун ҳалқалар ишлаб чиқармоқда. Пўлат эритиш ва прокат ишлаб чиқаришда эскирган ускуналарни алмаштириш бўйича лойиҳа ҳам яқунланиш арафасида турибди.

2011 йилда «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳим конструкцияларда фойдаланиш учун мўлжалланган иссиқ ёйилган тенг полкали бурчаклар, турли хил латун ва мис лентли радиаторлар ҳамда электр энергиясини камида 5 фоиз тежаш имконини берадиган кўп функцияли мосламаларни ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Шунингдек, эскирган блокни замонавий ҳаво тақсимлаш қурилмаси билан алмаштириш лойиҳасини амалга ошириш ниҳоясига етмоқда. Бу эса металл эритишни 60 дақиқадан 55 дақиқача қисқартириш ва йилга 3,8 миллион долларга яқин маблағни тежаш имконини беради. Ушбу қурилма ишга туширилиши билан комбинатнинг кислород, суяқ кислород, азот ва аргонга бўлган эҳтиёжини таъминлаш сезиларли даражада яхшиланади. Масалан, аргон пўлатни ҳаво ёрдамда тозалашда қўлланилади ва бунинг натижасида янада сифатли пўлат тайёрланади.

«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада фаол иштирок этиб, жорий йилда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналаридан маҳсулот харид қилиш бўйича шартномалар тузган эди. 2010 йилнинг 9 ойи мобайнида «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси шартномаларда кўзда тутилган вазифаларни юз фоиз бажарди. Бу галги ярмаркада янги шериклар топиш ва ўз маҳсулотларини экспорт қилиш кўламини кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Комбинат ўтган йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада фаол иштирок этиб, жорий йилда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналаридан маҳсулот харид қилиш бўйича шартномалар тузган эди. 2010 йилнинг 9 ойи мобайнида «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси шартномаларда кўзда тутилган вазифаларни юз фоиз бажарди. Бу галги ярмаркада янги шериклар топиш ва ўз маҳсулотларини экспорт қилиш кўламини кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Комбинат ўтган йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада фаол иштирок этиб, жорий йилда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналаридан маҳсулот харид қилиш бўйича шартномалар тузган эди. 2010 йилнинг 9 ойи мобайнида «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси шартномаларда кўзда тутилган вазифаларни юз фоиз бажарди. Бу галги ярмаркада янги шериклар топиш ва ўз маҳсулотларини экспорт қилиш кўламини кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

«Камолот» ЁИХнинг шаҳар бўлими томонидан азим пойтахтимизнинг санитария ҳолатини барқарор таъминлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ёшлар фаоллигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар кенг қулоч ёймоқда.

Айниқса ўғил-қизларни кўп қаватли уйлар йўлакларини тоза сақлаш, томорқаларни тартибга келтириш, дарахт ва гул кўчатларини парвариш қилиш, умуман яшаб турган ҳудуднинг саришталигини таъминлашга кенг жалб қилинмоқда. Шаҳримизда эълон қилинган ободонлаштириш ойларида ўз ҳиссасини қўшиш ниятида пойтахт ёшлари «Тошкент шаҳрим — гўзал маконим»

Шаҳрим — фаҳрим

ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИДА ФАОЛ

шиори остида қатор хайрли ишларни ҳам амалга оширишди. Жумладан, маҳаллаларда, ўзгалар ёрдамига муҳтож кекса авлод вакиллари хонадонида, хиёбонларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди, кўп қаватли уйлар олдида 77 та бо-

лалар майдончалари тартибга келтирилди, 255 та «Бунёдкор ёшлар» боғларида ниҳоллар парвариш қилинди. Бу ҳаракатда 140 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди. Ободонлаштириш ойлари давомида 33 гектар ҳудуд, 38,2 минг метр ариқ ва зовур-

лар тозаланиб, тартибга келтирилди, 8,5 минг туп дарахт, 41,8 минг дона гул кўчатлари парвариш қилинди, тўпаланган барг ва шох-шаббалар олиб чиқиб кетилди. Халқ таълими, Ободонлаштириш бош башқармалари ва Ўрта махсус, касб-ҳунар

таълим бошқармаси билан ҳамкорликда 38 та хиёбон ва майдонларда ёшлар фаоллигида ҳашарлар уюштирилди. Туман ҳокимликлари билан ҳамжиҳатликда ҳаракатини шаҳар бўлими томонидан жойларда ташкил қилинган тозалаш ва ободонлаштириш ишларида алоҳида жонбозлик кўрсатган ёшларга ташаккурномалар билдирилди.

Шоира МУХАМЕДОВА

Мамлакатимиз Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи халқаро доираларда, юртимиз кенг жамоатчилиги томонидан катта эътибор билан муҳокама қилинмоқда.

«Кўп миллатли Ўзбекистон: тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт» — шу мавзудаги илмий-амалий конференция Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ташаббуси билан Республика байналмилал маданият маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Тошкент Давлат шарқшунослик институти ва «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда давлатимиз раҳбарининг юқори даражадаги анжуманда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистонда инсон кадр-қиммати, эрки, манфаатлари устувор саналиб, давлат ва жамият қурилиши сиёсатининг асосий тамойили сифатида илгари сурилмоқда. Бош Қонун — Ўзбекистон Конституциясида инсоннинг миллати, этники, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, олий қадрият дея эътироф этилгани бунинг яққол исботидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона оилада ҳамжиҳат, тотув, эмин-эркин истиқомат қилаётгани ҳам миллатлараро манфаатлар таъминланаётганидан далолатдир.

Анжуманда сўзга чиққан Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова, Республика байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов бу ҳақда фикр билдириб, шунингдек бугунги кунда башариятнинг турли нукталарида сақланиб қолётган ижтимоий муаммолар устида ҳам тўхталиб ўтишди, бунинг асосида қарама-қаршиликлар, давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар давом этаётгани, оқибатда авваламбор инсон ҳуқуқлари топталётганини кайд эттишди.

Ўзбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ришталарини халқ дипломатияси асосида ҳам мустақамлаб келмоқда. Бу борада МДХ, Европа ва

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари сафидан жой олганига 19 йил бўлди. МДХ мамлакатлари ичида давлатимиз биринчилардан бўлиб Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияни ратификация қилди ва бугунги кунгача унинг давомийлигини

Америка, шунингдек Осиё, Африка ва Тинч океани минтақаси давлатлари билан тузилган қирқдан зиёд жамиятларни бирлаштирган Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳам кенг кўламли фаолият юритмоқда.

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

кўзловчи ўнлаб халқаро ҳужжатларга ҳам қўшилди. Халқаро мезонлардан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчилигимиз шакллантирилиб, замон талабига мос тарзда тақомиллаштирилиб ҳам борилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган оқилона сиёсат боис юртимизда миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик ҳукм сурмоқда.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятини қуриш йўлида шахмат бораётган Ўзбекистонда бугун беш мингдан зиёд жамоат ташкилотлари фаолият юритида. Бу эса кучли фуқаролик жамиятига асос солинишига ёрқин далилдир. Шулар ичида 150га яқин миллий-маданий марказлар алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистонда она юрти деб билган турли миллат вакилларига ўз она тили, маданияти, ўзига хос анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш учун шароитлар яратилиб, имкониятлар очиб берилган.

Ўзбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ришталарини халқ дипломатияси асосида ҳам мустақамлаб келмоқда. Бу борада МДХ, Европа ва

Чет давлатлар билан маданий алоқаларни ривожлантириш баробарида кенгаш мустақил юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар, урф-одатларимиз, қадриятларимиз билан халқаро жамоатчилигини таништиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бундай саяёҳаракатлар пировардида Ўзбекистоннинг нуфузи юксалиб, юртимизга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда. Сайёҳлик кенг қулоч ёзиб, республикамизга дўстлик ришталарини мустақамлаш мақсадида турли мамлакатлар делегациялари ташири буюраётгани ҳам эътиборга лойиқдир.

Ўзбекистонда Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб парламент ҳузурда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил — Омбудсман институти ташкил этилгани ҳам давлат ва фуқаро ўртасидаги манфаатлар ўзвийлигини янада мустақамлади.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — бу тинчлик, миллатлараро тотувликдир. Бунга барча соҳалар изчил ривожланиб,

ҳаётимиз янада фаровон бўлиб бораётгани, бағрикенглик тамойилларига қатъий амал қилинаётгани асос бўлмоқда.

2000 йилда ўн беш йилга қабул қилинган Мингйиллик декларациясида кўзда тутилган саккизта мақсаднинг барчасига Ўзбекистонда эришилгани ҳам мамлакатимизда барча жабҳаларда муттасил барқарорлик ҳукм сураётганидир. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари юқори даражадаги минбардан халқаро ҳамжамият олдида маълумот бериб ўтар экан, мамлакатимиз мустақил ривожланиш йилларида янги ва улкан марраларни қўлга киритиб, бунинг натижасида юртимиз қиёфаси тамомила ўзгаргани, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин топганини кайд этди. Шу билан бирга Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса аномал табиий ўзгаришлар шароитида катта аҳамият касб этишига уруғ бериб, бу борада Орол фожиаси боис дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлганини таъкидлаб ўтди.

Илмий-амалий анжуман қатнашчилари БМТ Саммитини видеолаваха орқали кузатиб, мамлакатимиз раҳбарининг олий даражадаги мажлисида илгари сурган тақдир ва ташаббуслари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси мажлиси иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинганлигини яна бир бор гувоҳи бўлишди. Бунга ўз муносабатларини билдириш давомида Юртбошимиз томонидан БМТнинг ялпи мажлисида қайд этиб ўтилган истиқболдаги муҳим вазифаларни ҳам қўллаб-қувватлаб, бу борада тинчлик ва барқарорликнинг мустақамлаб тараққиётида тугган ўрни, минтақамиздаги тарихий-маданий жараёнларнинг муштараклиги таъминланиши аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди.

Ильмира
ЗАЙНУТДИНОВА

Иқтисодиёт

МАҲОРАТИНИ НАМОЁН ЭТМОҚДА

Уста ҳунармандларимиз ўзлари учун яратилган имкониятлардан, берилган имтиёزلардан самарали фойдаланган ҳолда маҳоратини намоён этишмоқда.

Хунарлар орасида каштачиликнинг ҳам ўзига хос ўрни бўлиб, ушбу йўналиш асосида тайёрланган жозибали маҳсулотлар барчани бирдай мафтун этади, ранглари жозибали кўнглингизга завқ бахш этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, каштачилик маҳсулотлари саналган сўзана, чойшаб, гул кўрпа, ҳозирда урф бўлган костюм, кўйлак сумка ва бошқа ашёлар миллий қадриятларимиз эъзози саналади. Шуниси қувонарликки, сержило каштачилик ашёлари юртимизга ташири буюрган хорижликларни ҳам мафтун этмоқда.

Уста каштачилар сафида ушбу хунарни эъзозлаётган Рухсора Тўрақуллованинг 41 йиллик тажрибаси бор. Унинг яратган буюмлари ранг-баранг, сержило, жозибадор. Рес публика миқёсидаги кўргазмалар ва кўрик танловларда унинг маҳсулотлари ҳамisha муносиб баҳоланади, совринли ўринларга сазовор бўлади.

Рухсора Тўрақуллова халқаро кўргазмаларда ҳам ўзбек ҳунармандчилиги муваффақи ятларини намоийш этмоқда. Шотландиянинг Глазго шаҳрида бўлиб ўтган «Ипак йўли кема малаги» кўргазмасида каштачининг маҳсулотлари юксак баҳога сазовор бўлгани бунинг яққол мисолидир.

Шарофат БАҲРОМОВ,

МОЛ-МУЛК СОЛИГИ ВА ИМТИЁЗЛАР

Солиқ солинадиган мол-мулк бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек, юридик шахслар ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй-жойлар, хонадонлар, дала-ҳовли иморатлари, гаражлар, бошқа иморат ва ишоотлар солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Иккинчи жаҳон уруши ноғиронлари ва қатнашчилари ём уларга тенглаштирилган шахслар, ўн нафё ва ундан ортиқ боласи бор аёллар, Чернобыль АЭСда авария оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар, I-II гуруҳ ноғиронлари мол-мулкига солиқ солинмайди.

Албатта, шуни таъкидлаш жоизки, ушбу имтиёзга эга шахсларда тегишли жойларда олинган ҳужжатлар ва маълумотномалар бўлиши шарт.

Собир Раҳимов тумани солиқ инспекцияси томонидан жисмоний шахслардан солиқларни вақтида ундиришда тизимли ишлар амага оширилмоқда.

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига туманда мол-мулк солиғи бўйича рўйхатга олинганлари сони 52 823 нафарни ташкил этади. Шундан 18 506 нафари имтиёзга эга шахслар. Ҳисобот даврида ундирилган солиқ суммаси 859398,1 минг сўмни ташкил этади, у йиллик ҳисобланган солиқ тўловларининг 824 фоизи демакдир.

Ер солиғи бўйича 3502 нафар фуқаро имтиёзлар қўлланилган. Бу борада йиғинган солиқ миқдори йиллик ҳисобланган суммага нисбатан 82 фоизни ташкил қилмоқда.

Эслатиб ўтиш керакки, ер солиғи ер участкаларидан фойдаланганлик учун бюджетга тўловлар бўлиб, ер солиғи ёки ер учун ижра ҳақи тариқасида амалга оширилади. Ер солиғидан қуйидагилар озод қилинади: Ўзбекистон Қаҳрамонлари, I-II гуруҳ ноғиронлари, ёлғиз пенсионерлар, боқувчисини йўқсқан кўп болали оилалар, Чернобыль АЭСда авария оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар, яйлов чорвачилигининг чўпчилари, йилқибқорлар, механизаторлар, ветеринар шифокорлар ва техниклар. Имтиёزلарга эга бўлиш учун мутасадди ташкиллардан ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.

Фарҳод ИСОМУҲАММЕДО,
Собир Раҳимов тумани ДИ
шўъба бошлиғи





Шифобахш неъматлар

ОЛМА ЕГАН ЕНГИЛ НАФАС ОЛАДИ

Олма еган одам енгил нафас олади. Нью-Йоркдаги Корнелл университети олимлари шундай хулосага келишди. Мазкур университет мутахассисларининг маълум қилишларича, 100 грамм олма пўсти билан ўз таъсирга кўра, 1.500 миллиграмм С витаминига тенг келаркан.

Соғлом ҳужайраларга доимий ҳужум қилиб турувчи эркин радикаллар таъсири-

да кўпчилик касалликлар пайдо бўлиши тадқиқотчиларга маълум. Антиоксидантлар уларга қарши курашиб, эркин радикалларни жамлаб, тўплаб, организмдан ташқарига чиқариб юборди. Дарвоқе, инглизларда, кунига бир донга олма ва шифокорнинг кераги йўқ, деган мақол анчадан буён мавжуд.

Бироқ табиат томонидан яратилган ҳимоя воситаси қанчалик мукаммал бўлмасин,

у ҳамisha ҳам радикалларни енга олавермайди. Бунинг оқибатида ўпка касалланади, дея хабар қилади «Обозреватель». Мутахассислар бундай мураккаб вазиятларда фақат биргина йўл бор, у ҳам бўлса ўпкани антиоксидантлар - С ва Е витаминлари билан озиклантириб туришдан иборат, деб ҳисоблашади. Бунинг учун эса овқат раационини албатта олма ҳисобига бойитиш керак.

ДЎСТЛАР ИНСОН УМРИНИ УЗАЙТИРАДИ

Содиқ ва ишончли дўстлар инсон умрининг узайишига ёрдам беради. Ана шу ҳақиқатни Юта ва Янги Каролина штатлари университетларидан америкалик олимлар яна бир қарра ўз тадқиқотлари билан исботлашди.

Лондоннинг The Daily Mail газетаси хабар қилишича, олимлар ўз тадқиқотларида ҳар бир одамнинг танишлар доираси қанчалик кенг бўлса, у шунчалик узоқ яшашини аниқлашди. Ҳозирча мутахассислар бу ноёб ҳодисани илмий жиҳатдан асослаб беришга қийналишмоқда. Шунга қарамай, улар «содиқ дўстларнинг анча кўп миқдорда бўлиши инсоннинг ижтимоий фаолияти ва ҳўшқин ҳиссий ҳаётининг далолат беради» дея, баёнот берди мазкур иш раҳбарларидан бири профессор Берг Учино.

Жумладан, у шундай бир далилни ҳам келтиради: дўстлар кўпинча узоқ муддатга фоизсиз қарз орқали молиявий ёрдам беришади. Яқинда Оксфорд университети олимлари муҳаббат «тузоғига илинган» одам ўртча ҳисобда иккитагача дўстини йўқотишини ҳам аниқлашган. Олимларнинг таъкидлашларича, одамлар ўртча беш нафаргача яқин кишиларга эга бўлишади. Ошиқ ёки машуқга эга бўлиш улар сонини икки нафарга қисқартириши мумкин.

Санъат оламида

ЭНГ КЎП ДАРОМАД КЕЛТИРАДИГАН КИНОЮЛДУЗЛАР

2009 йили Америка кинотеатрларида энг кўп даромад келтирган киноюлдузлар ўнлиги рўйхатининг бошидан актриса Сандра Баллок жой олди. Унинг иштирокида суратга олинган бир неча фильмлар бири-бирига катта фойда келтиргани Сандрага рўйхатнинг энг юқори чўққисига чиқиб олиш имконини берди.

Жумладан, 2009 йилнинг июнида премьераси ўтказилган «Таксиф» романтик комедияси жаҳон прокатига 315 миллион доллар тўплаган. «Кўринмайдиган томон» фильми фақат Шимоллий Американинг ўзидагина 193 миллион доллар йиғишга муваффақ бўлган.

Энг кўп даромад келтирувчи киноактёрлар рейтингини ҳар йили Quigley Publishing Co АҚШдаги бир неча юз кинотеатрлар раҳбарлари ўртасида ўтказилган сўровлар асосида тузилади. Бу ташкилот фаолият юритаётган етмиш йил мобайнида Сандра Баллок эндигина саккизинчи аёл бўлди. Энг катта даромад келтирган юлдузлар рўйхатининг чўққисини ундан олдин забт этган санъаткор аёл Жюлия Робертс бўлиб, бу воқеа 1999 йилда содир бўлганди.

2009 йилги рўйхатда иккинчи ўринни 2006-2007 йилларда энг даромадли киноюлдуз деб эътироф этилган Жонни Депп эгаллаган. Мэтт Дэймон учинчи бўлди. Жорж Клуни ундан бир поғона паст ўриндан жой олди. Кейинги ўринларни Роберт Дауни-кичик, Илгарилари 5 марта рўйхат бошидан жой олган Том Хэнкс, Мерил Стрип, Брэд Питт, Шиа Ла Бэф ва Дензел Вашингтонлар эгаллашган.

Қизиқ воқеалар

СУДДА ЎН МИНГ ДОЛЛАР ЮТГАН БОЛАКАЙ

Ирландиялик беш яшар болакай Тайг Мунига тўхмат қилганлар шунча миқдордаги жаримани гўдак фойдасига тўлашга мажбур бўлишди. 2009 йил июнида Тайг ва онаси сепартермоқ Lidl супермаркетлари дўконларидан бирига харид учун боришганди. Боланинг қўлидан маҳкам ушлаб олган сотувчи уларни тўхтатди. У бола бир пачка чипсини ўғирлади, деб даъво қилди.

Натижада иш судгача етиб борди. Суриштирув ишлари давомида Тайгнинг адвокати, ўз миҳозига маънавий зарар етказилганини таъкидларди – чунки мижаро туфайли болакай стрессга учраб, қаттиқ уялганди ҳам. Бундан ташқари, жажжи ирландияликнинг обрўсига путур етказилганди.

Сотувчи болакайнинг қўлидан ушлаб олганини эса озодлигига ноқонуний таъовуз қилинди ва сотувчи ўз хатти-ҳаракати билан болани ҳақорат қилди, деб баҳолаш мумкин эди. Охир-оқибатда Lidl компанияси Тайгга 10 минг доллар миқдорда товон пули тўлаш мажбуриятини олди.

Қора денгиз тубида Жаҳон

океанида ягона сувостии дарёси топилди. Англиянинг Лидс шаҳри университетининг бир гуруҳ олимлари шу ҳақда хабар қилишган. Университет олимлари бевосита ушбу табиий объект жойлашган ҳудудда тадқиқот ишларини олиб боришган. Улар дарёни махсус яратилган бошқарилувчи сувости кемаси – субмарин ёрдамида аниқлашган.

Илмий ходимлар дарёнинг узунлиги 37 денгиз милага, кенглиги – ярим милдан ортиқроқ, сув оқимининг тезлиги соатига 4 мил (тахминан 7,5 км) эканини аниқлашди. Узунлиги жуда кичик бўлган

Табиат сирлари

СУВОСТИ ДАРЁСИ ТОПИЛДИ

бу дарё оқаётган сув ҳажмининг улканлиги билан ажралиб туради. Сув оқими сониясига 22 минг куб метрни ташкил этаркан. Мабодо, мазкур дарё қуруқликда бўлганида ушбу кўрсаткич бўйича жаҳонда олтинчи ўринни эгаллаган бўларди.

Сув оқими Босфор кўлтиғи орқали Мармар денгизи янада шўроқ сувининг ундан шўрлиги пасстроқ бўлган Қора денгизга кириб келишидан пайдо бўлган. Шу са-

бадан дарёнинг суви жуда юқори концентрациядаги шўрлиги билан ажралиб туради. Дарё суви денгиз сувидан анча зичроқдир», - дея қайд этган Дэн Персонс.

Боз устига унинг остоналари ва ҳақиқий шаршаралари мавжуд. Денгиз остида мумтоз маънодаги дарё қирғоқлари ва дарё кўлтиғи ҳам бор бўлиб, улар дарё чегараларини аниқ кўрсатиб туради. Дарёга ҳали ном топилмаган йўқ.

ОЙ ВА ИНСОН ТАНАСИ

Хитой тиббиёт доктори Ши Юкун таъбирича, Ой цикли инсонларнинг дунёга келиш вақти билан ҳам боғлиқдир. Гўдакларнинг аксарияти ой тўлгандан кейин туғилади. Қадимги вавилонликлар уйқусида юрадиганлар касаллиги Ой таъсирида юз беради, деб ҳисоблашган. Ҳозирги тадқиқотлар савдойи касалига мубтало бўлганлар касали Ой тўлишган кунлари ҳуруж қилишини тасдиқламоқда. Тўлин ой одамларда безовталик, стресс ҳолатларини келтириб чиқариши, галлюцинацияга сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Ой тўлган кунлари одамлар ўтмишини кўп эслаб, эзиллиш, дилгирликка мойил бўлишаркан. «Умумий масалалар» деб номланган қадимги хитой китобида шундай

дейилади: «Ярим ой кўринганда қон, ци (инсон танасини ташкил этиб, ҳаётни таъминловчи қувват) кучая бошлайди ва сақланиб қолган ци айлана бошлайди. Ой тўлган кезлари қон ва ци етарли бўлиб, мушаклар кўчи бўлади. Ой қамая бориши билан қувват элтувчи каналлар заифлашиб, сақланиб қолган ци танани тарк этади ва қўлининг ўзи қолади».

Яъни, инсон танасидаги қон, ци, мушаклар ва қувват каналлари кучи Ой фазалари билан тарк этади ва қўлининг ўзи қолади. Яъни, инсон танасидаги қон, ци, мушаклар ва қувват каналлари кучи Ой фазалари билан тарк этади ва қўлининг ўзи қолади. Яъни, инсон танасидаги қон, ци, мушаклар ва қувват каналлари кучи Ой фазалари билан тарк этади ва қўлининг ўзи қолади.

БИР ЧИМДИМ КУЛГИ

Кириш имтиҳонлари... Абитуриент ҳеч нарса билолмай, боши гаранг. Профессор сўради:

- Оддий бир савол бераман. Тўғри жавоб берсанг, ўқишга кирасан.

Абитуриент хурсанд бўлиб розилик билдирди.

- Хонада нечта лампочка бор?

- Бешта, - чаққонлик билан санаб чиқиб, жавоб берди йигит.

- Кейинги йил келасан, - дейди профессор костюмининг чўнтагидан битта лампочкани чиқариб.

Орадан бир йил ўтди. Воқеа такрорланди. Абитуриент яна ўша профессорга дуч келди.

- Хўш, хонада нечта лампочка бор экан?

- Олтита! - ишонч билан жавоб берди йигит.

Профессор чўнтагининг тескарисини ағдарди. Чўнтаклар бўм-бўш, профессор ручкага қўл узатди...

- Йўқ, профессор, - дейди абитуриент ва чўнтагидан олтинчи лампочкани чиқарди...

- Менга қаранг, - жаҳл билан гапирди домла, - мен сизга учинчи уч баҳони кўяпман. Нега дарсларни ўқиб келмайсиз? Ҳеч ким ҳали кўп ўқигандан жони узилмаган-ку.

- Биламан, - бамайлихотир жавоб беради талаба. - Аммо таваққал қилишининг ҳам ҳолати йўқ...

Икки талаба инглиз тилидан имтиҳон топширишга келади.

- Sit down! - дейди домла.

Бири иккинчисига:

- Менга қара, нима депяпти у ўзи?

- «Ўтир, тўнка!» депяпти.

Дам олиш соатларида

Биласизми?

«ДУНЁ ВАҚТИ» СОЗЛАБ ТУРИЛАДИ

аниқланади. Лекин кўп жиҳатдан тасодифий характерга эга бўлган ва статистик ҳисоб-китобларга бўйсунмайдиган юқорида санаб ўтилган омиллар унинг аниқлигига таъсир кўрсатади. Частоталар молекуляр ва атом стандартларининг пайдо бўлиши билан Ер айланиши ва Кўёш тизимидаги жисмлар ҳаракатидан мустақил ва принципиал янги атом вақтининг физик шкаласи вужудга келди.

1967 йили Халқаро ўлчовлар ва таразулар кўмитаси халқаро бирликлар тизимида вақт ўлчови бирлиги сифатида атом сониясини қабул этишга қарор қилди. Атом соати жуда барқарор ва бир текис вақтлар шкаласини яратиш имконини берди. Бироқ сутканинг узунлиги ўзгариб туради ва шунинг учун атом соати юриши Ер айланиши тезлигига мук келмайди.

Атом ва бутунжаҳон шкаласи ўртасидаги фарқ йилига тахминан бир сонияни ташкил этади. Шундай муаммо вақтнинг тақвимий ҳисобида ҳам мавжуд. Йил суткаларнинг бутун сони миқдорига тенг келмайди, аммо биз йил тақвим билан «баравар одимлаши»ни истаймиз. Кабиса йилида тақвимга бир кун қўшиш орқали тақвим билан йил вақтининг бир-бирига мувофиқлигини сақлаб туриш мумкин.

АТ атом вақти физик шкаласини мувофиқлаштириш мақсадида дастлаб сония узунлигини ўзгартиришарди. Сония резинадай «чўзилувчан» эди. Лекин бу ноқулай бўлиб чиқди. Шунинг учун UTC мувофиқлаштирилган вақт шкаласи жорий этилиб, у ўз ичига «кўшимча сония» ёки «кабиса сонияси» тушунчаларини қамраб олди.

Халқаро вақт бюроси (манфий ёки мусбат даражали) кўшимча сония киририлганини эълон қилади ва UTC шкаласи – «дунё соати» аниқ бир сонияга сурилади. Одатда бу тадбир 31 декабрь ёки 30 июнда бажарила-

ди. Бунда айнан қачон, қай ҳолатда бутунжаҳон вақт шкаласига ана шу «кабиса сонияси» кирилтиши кераклигини аниқ билиш жуда муҳимдир. Акс ҳолда аниқ вақтни аниқлашда бутун дунёда алғов-далғов тартибсизлик юз беради.

Планк жамияти тадқиқотлари айнан шу аниқликни таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари, атом сонияси UTC сониясидан атом вақти бир неча бўлагига фарқлигини туфайли «кабиса сонияси» амал қилаётган йиллар давомида иккала шкала ўртасида анча-мунча фарқ пайдо бўлиб, у тузатилиши тақозо этади. Шунинг учун келгусида «дунё соати» юришини тўғрилаш учун шунчаки бир сонияни қўшиб қўя қолиш мақсадида кўшимча сонияга бир бутун миқдордаги сония қўшилмайди.

Тахминан 0,0001 сонияга тенг микроскопик вақтни тузатиб ўтиришининг ҳолати бормикин? Жуда бор-да. GPS дан тортиб то ГЛОНАССгача йўлдошлар навигацияси мутлақ барча тизимлари UTC шкаласи асосида ишлайди. Уларда координатларни аниқлаш вақт аниқлигини белгиллашга қаттиқ боғлиқ: вақтни аниқлашдаги ўн мингдан бир сонияга адашиш координатларни аниқлашда ўнлаб (баъзи ҳолларда юзлаб) метрлик хатоликларга олиб келади. КОСПАС/SARSAT денгизда қўтқарув халқаро тизими, шунингдек, қизмат радиоалоқаси учун ҳам, телевизион ва радио кўрсатув ва эшиттиришлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган эталон частоталари радиостанциялари ҳам шу шкала асосида ишлайди.

Муайян ҳудудни қамраб олувчи узатувчи марказлар ўзаро мутаносиблигига путур етиши эшиттиришларнинг тўхтаб қолишига ёки сигналларнинг жиддий бузилишига олиб келиши мумкин. Уяли алоқалар тизими ҳам бу ҳолат шунчалик алоқадор. Ҳозирги замон дунёсида сониянинг қиймати жиддий ошиб кетган.



Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё...

«МЎЪЖИЗАЛАР»ГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР ОШКОР ЭТИЛДИ

Англия миллий архиви ўтган ойда номаълум учар жисмлар билан учрашувларни тасдиқловчи ҳужжатларни ошкор этди. Уларда ушбу ҳодисаларни махфийлаштиришни бюрган Англия бош вазири Уинстон Черчиллнинг имзоси турибди.

Қироллик ҳарбий-ҳаво кучлари учувчиларига ҳам НУЖлар билан учрашувлар ҳақидаги ахборотларни сир тутиш бюрилган эди. Афтдан Черчилл жамиятда саросималик вужудга келишидан қўрққан бўлса керак.

Махфийлик грифи 1995 йилдан 2003 йилгача бўлган ҳужжатларга тааллуқли бўлган. Жами бўлиб 5 минг саҳифа ҳужжатлар ошкор этилган. Уларнинг ҳар бирида НУЖлар билан учрашувлар батафсил ёзиб қолдирилган.

Ҳужжатларни махфийлаштириш олдидан Черчилл Европадаги иттифончи кўшинлар кўмондони Дуайт Эйзенхауэр билан маслаҳатлашган. Шундан кейин учрашувлар далилларини камидан 50 йилга махфийлаштиришга қарор қилинганди.

Черчилл НУЖлар мавзуга жуда қизиққан. У мазкур мавзуга оид хабарларни диққат билан кузатиб, уларни илмий нуқтаи назардан таҳлил этишга интилан. Бундан ташқари, Черчилл НУЖлар инсониятга ҳаф тугдирш-туғдирмаслиги масаласи ташвишга солган.

Бироқ шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, барча номаълум учар жисмлар биз ўйлаган НУЖлар бўлмаган. НУЖларнинг аксарият қисми ҳарбий самолётлар бўлиб чиққан. «Совет уруш» йилларида улар Англия ҳудудига тез-тез учиб кириб турган.

УЧАР МОТОЦИКЛАР

Учар мотоциклардан ҳеч қачон уллов сифатида фойдаланилмастлигига ҳеч икканимай гаров уйнашингиз мумкин. Лекин бу ҳолат Невададаги мўъжизагина Самсон моторворкс фирмасига бундай мотоцикларнинг синов нусхасини яратишга ҳалақит бера олмайди. Компания ўзининг Switchblade Multi Mode автомобили прототипи бўлган самолёт-мотоцикли бунёд этмоқда ва уни 2011 йили 60 минг долларга пуллашни мўлжаллаб турибди.

Булажак учар мотоцикл двигатели ва авионикаси алоҳида – 25 минг долларга сотилиши кутилади. Йўловчилар аэродинамик кабинада чарм креслоларда ёна-ён ўтиришади. Амалда Switchblade уч гилдиракли мотоциклининг инновацион комбинацияси ҳисобланади ва жуда оддийлиги, тежамлилиги ҳамда йиғилмайдиган қанотлари билан ажралиб туради.

Қайчиси эслатуви қанотларнинг махсус шакли мазкур гайриоддий транспорт воситаси корпуси вазинини анча енгиллаштиради ва унинг ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради. Унга автототиларнинг синов нусхасини яратишга талаблар қўйилмаган уч гилдиракли мотоцикл дизайни танланди. Масалан, мотоциклининг ортиқча ваэн ва маблағ талаб қилувчи бамперларга эга бўлиши шарт эмас.

Бироқ учар мотоцикл Switchblade ҳам муайян қонун-қоидаларга бўйсунмайди. Чунинчи, Switchblade мотоциклардаги каби орқа томонга ўрнатиладиган икки кўзуга эга бўлиши керак. Бу кўзугулар ҳам парвоз вақтида тахланади. Мазкур ноёб транспорт воситаси тезлигини йўлларда 130-145 километргача, ҳавода 210-215 километргача етказа олади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш Ўзбекистон футбол федерацияси фаолиятининг устувор йўналишларидандир. Юртимизда ёш футболчиларни тайёрлаш асосан болалар-ўсмирлар футбол мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, футбол академиялари ва олимпия заҳиралари коллежларида амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида тузилган Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг фаолияти ҳам самарали бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида Жамғарма томонидан футбол бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг янги ўқув-машуғул маскани ҳудудидаги бинолар таъмирдан чиқарилди, меҳмонхона, тренажёр зали фойдаланишга топширилди. Йил давомида терма жамоаларимизнинг узлуксиз машғулот ўтказишини таъминлаш мақсадида сунлий қопламали футбол майдони барпо этилди. Пойтахтимиздан ташқари, Нукус ва Қарши шаҳарларида ҳам ана шундай майдонлар қурилди.

Президентимиз томонидан юртимизда футболни ривожлантиришга доимий эътибор ва гамхўрлик кўрсатилаётгани, бу борада бир қатор муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши самарасида Ўзбекистон футбол халқаро майдонда муайян ютуқларга эришмоқда. 2008 йили Саудия Арабистонида ўтказилган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси кумуш медални қўлга киритди. Бу йил Жанубий Африка Республикасида

ўтказилган футбол бўйича XIX жаҳон чемпионатида биринчи бор ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов ва унинг ёрдамчиси Рафаэль Илёсовнинг қатнашгани ҳам, шубҳасиз, футболимизнинг яна бир улкан ютуғидир. Зеро, Осиё қитъасининг 2008 ва 2009 йиллардаги энг яхши ҳаками Равшан Эрматов мазкур нуфузли мусобақада энг кўп — беш учрашувда бош ҳакамлик қилди. Бу Осиё ҳакамлари учун рекорд натижа, бунгача ҳеч бир қитъадосимиз бундай шарафга

ўртасидаги жаҳон чемпионатида йўлланма берадиган ягона турнир ҳамдир.

Осиё футбол конфедерацияси тўрт йилдан буён футбол ва мини-футбол бўйича Осиё чемпионатларининг ҳал қилувчи финал мусобақасини ташкиллаштиришни Ўзбекистонга ишониб топшираётгани қувонарли. 2006 йили Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида мини-футбол бўйича Осиё чемпионати юқори савияда ўтказилди. Орадан икки йил ўтиб, пойтахтимиз футбол бўйи-

киритди. Унда Покистон, Қатар, Афғонистон ва Саудия Арабистони футболчиларини орда қолдирган ҳамюртларимиз «А» гуруҳида биринчи ўринни эгаллади. Юртимиз мезбонлик қилаётган спорт анжуманида Алексей Евстафеев шогирдлари зиммасига мусобақада муносиб қатнашиб, жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоамизнинг Осиё чемпионатида пухта тайёргарлик

ган биринчи учрашувда 3:2 ҳисобида зафар қучди. Иккинчи бахсда 1:1 — дураг натижаси қайд этилди ўйнади.

Ўн тўртинчи мартаба ўтказилаётган Осиё чемпионати учрашувлари «Пахтакор» ва «Жар» стадионларида ўтказилади. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси «А» гуруҳида Тожикистон, Иордания ва Индонезия футболчилари билан рақобатлашади. «В» гуруҳида Эрон, Сурия, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Уммон вакиллари тўп суради. Қитъа чемпионатида илк мартаба қатнашаётган Шарқий Тимор футболчилари Япония, Австралия ҳамда Вьетнам билан бирга «С» гуруҳидан жой олди. Хитойлик ўсмирлар «D» гуруҳидан чиқиш учун араб футбол вакиллари — Бирлашган Араб Амирликлари, Ироқ ва Кувейт билан беллашади.

Мусобақа қоидадасига кўра, ҳар бир гуруҳда дастлабки икки погонани эгаллаган терма жамоалар чорак финалга йўлланма олади. Осиё чемпионати 24 октябрь куни

«Пахтакор» стадионида Ўзбекистон ва Индонезия ўсмирлар терма жамоаси ўртасидаги учрашув билан бошланади.

Зоҳир ТОШХУЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ТОШКЕНТ — ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ

муяссар бўлмагани.

Ўсмирлар ўртасидаги қитъа чемпионатида мезбонлик қилиш учун Осиё футбол конфедерациясига Ўзбекистондан ташқари Австралия, Эрон, Иордания, Индонезия футбол федерацияси ариза топширган эди. Мамлакатимизда футбол инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги самарали ишларни муносиб баҳолаган ОФК мутасаддилари юртимизни нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш борасидаги бой тажрибаси ва кенг имкониятларини инобатга олиб, мазкур мусобақани Тошкентда ўтказишга қарор қилди.

Футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати 1985 йилда асос солинган. 1986 йилдан буён ҳар икки йилда бир мартаба ўтказиб келинаётган мазкур турнир катта спорт оstonасида турган осиелик ёш футболчилар учун маҳорат ва тажриба мактаби бўлиш билан бирга ўсмирлар

ча 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги қитъа чемпионатида мезбонлик қилди. 2009 йилнинг 23-30 май кунлари мамлакатимизда қитъа чемпионатидаги иккинчи мартаба майдонга тушиб, тажриба ва маҳоратини оширди. Жумладан, ўтган ойда пойтахтимизда Ўзбекистон, Уммон ва Япония ўсмирлар терма

Тошкент шаҳри кетма-кет иккинчи мартаба футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати қабул қилмоқда. Мазкур мусобақанинг саралаш босқичида қирқдан зиёд мамлакат терма жамоалари қатнашди.

1994 йилда тузилган футболчилардан таркиб топган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини ўтган йили Малайзиядаги саралаш мусобақасида қўлга

кўриши учун барча шароитларни яратиб берди. Ўсмирларимиз икки йил давомида йигирмага яқин халқаро ўртоқлик учрашувларида майдонга тушиб, тажриба ва маҳоратини оширди. Жумладан, ўтган ойда пойтахтимизда Ўзбекистон, Уммон ва Япония ўсмирлар терма

жамоалари иштирокида ўртоқлик учрашувлари ўтказилди. Дастлаб, Уммон дарвозасига жавобсиз учта тўп киритган ўсмирларимиз японияликларга қарши ўтказил-



жамоалари иштирокида ўртоқлик учрашувлари ўтказилди. Дастлаб, Уммон дарвозасига жавобсиз учта тўп киритган ўсмирларимиз японияликларга қарши ўтказил-

ҲИНД КИНОСИ ФЕСТИВАЛИ

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан пойтахтимизда ҳинд киноси фестивали бўлиб ўтади.

Фестивалнинг тантанали очилиши 24 октябрь куни Алишер Навоий номли киносаройида бўлиб ўтади. Анжуманга таниқли актёр Раж Капурнинг ўғли Рандхир Капурнинг ташрифи қутилмоқда. Ўзбекистонлик кино ихлосмандлари Рандхир Капурни режиссёр ва продюсер сифатида ҳам яхши танишади. Тантанали маросим доирасида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Ҳиндистон маданий маркази дастури, шунингдек «Уч телба» фильми намойиш қилинади.

Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар илдизи узоқ тарихга бориб тақалади. Бугун ҳам ҳар иккала давлат барча жабҳаларда манфаатли ҳамкорлик қилиб келади. Биргина таълим соҳасини олсак, ИТЕС лойиҳаси асосида ҳар йили 120 нафар юртимиз талабалари Ҳиндистоннинг нуфузли олий ўқув юрларида таҳсил олиш имкониятига эга.

Кино соҳасида ҳам алоқалар жадал ривожланмоқда. Киноанжуманлар икки халқ ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фестиваль 25-29 октябрь кунлари бўлиб ўтади.

«Туркистон-пресс»

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман инспекцияси томонидан 30.07.2009 йилда рўйхатга олинган «QADRIYAT PLUS» хусусий корхонаси №003457-09, ИНН:301276914

ТУГАТИЛАДИ

Корхонанинг тугатилиши ҳақидаги қарор 22.10.2010 йилда қабул қилинган. Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 461-12-26 телефони орқали қабул қилинади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

**Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32**

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. Факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2635 нусхада босилади.
Көгиз битими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмохонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.